

**“ЮНУСОБОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ” АЖ ДА 21 МАРТ - НАВРЎЗ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН  
“КАДРИЯТЛАР ҚАДР ТОПГАН ЮРТ” МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН  
МАЖЛИС БАЁНИ**

2022 йил “18” март

Тошкент шаҳри

Мажлис раиси

“Юнусобод дехқон бозори”  
АЖ директори биринчи ўринбосари  
А.А.Абдужамиллов

Қатнашдилар :

Хавфсизлик бўйича директор ўринбосари  
З.Юсупов  
Маънавий ва маърифий ишлар бўйича  
инспектори М.С.Асатова

Жамият ишчи ва ходимлари 45 киши

**КУН ТАРТИБИ:**

**21-март “КАДРИЯТЛАР ҚАДР ТОПГАН ЮРТ” мавзусида.**

Мажлисни жамият директори ўринбосари А.А.Абдужамиллов йиғилишни очик деб эълон қилиб, иштирокчиларни кун тартиби билан таништирди, маънавий-маърифий ишлар бўйича инспектори М.С.Асатовга маъруза учун сўз берди. Маърузачи ўз маърузасида қуйдагиларни гапирди. Анъаналар, урф-одатлар, расм-русмлар инсоният тарққиётида муҳим ўрин тутди. Улар ҳаётини зарурат туфайли пайдо бўлган ва халқларнинг турмуш тарзи, руҳияти, маънавий дунёси, орзу-истакларини ифода этиб жамиятнинг маънавий-ахлоқий ривожланишига катта таъсир қилган. Анъаналар мазмунан ҳар бир миллатни, халқни, элатни эзгуликка, инсонпарварликка, яхшиликка чорлайди. Улар давр талаби билан ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгиланиб боради. Мустақиллик шарофати билан юртимизда Наврўз байрами кенг нишонлана бошланди. Бу байрам неча минг йиллик тарихга эга. Наврўз байрами миллий умумхалқ байрами сифатида жуда катта тайёргарлик ва шоду хуррамлик билан ўтказиб келинган. Наврўз байрами муносабати билан юртимизда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари ва хашарликлар ташкил этилиб, миллати, дини ва эътиқодидан қатъий назар барча фуқароларимиз бир тану-бир жон бўлиб иштирок этадилар. Байрам тадбирларида юртимизда истеъкомат қилаётган 136 миллат вакиллари ўз миллий урф-одатлари, ашула ва рақсларини намойиш этадилар Шу муносабат билан бизнинг жамият ҳудудида турли вилоятлардан ташриф буюрган вакиллар байрам ярмаркасида ўзлари етиштирган ва ишлаб чиқарган сифатли ва арзон маҳсулотлари билан аҳолини хурсанд қилишди. Байрам байрамдек ўтиши учун саънаткорлар ташриф буюриб ашула ва рақслар намойиш этадилар. Бозор ҳудудида байрамона безатилиб сумалаклар аҳолига тарқатилди. Жамият хотин-қизларига совғалар берилди. Буларнинг барчаси маънавий кадриятларимиз, урф-одат, анъаналаримизнинг камол топиб иқтисодий тараққиётимизга ижобий таъсир кўрсатаётганининг ёркин ифодасидир.

Мажлисида кўрилган масалалари бўйича:

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Наврўз байрами муносиб равишда ўтказилсин.
2. Ушбу қарорнинг бажарилиши назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Мажлис котибаси

*А.А.Абдужамиллов*

М.С.Асатова